

# Аллоҳ Расулига саломлар бўлсин!

Image not found or type unknown



16:06 / 06.11.2019 3374

*Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дил изҳорим*

**М**уҳаммад Мустафо Ҳазратларига

**У**л буюк подшоҳим, жанобларига,

**Ҳ**амд бўлсин Коинот сарварларига,

**А**ллоҳ Расулига саломлар бўлсин!

**М**еҳрибон, камтарин, содиқ ва амин,

**М**артабаси улуғ, сулҳпарвар, вазмин.

**А**лқайди то абад осмону замин -

**Д**иним султониға саломлар бўлсин!  
**С**алавот айтамиз, токи юрибмиз,  
**А**йтамиз салавот, токи тирикмиз.  
**Л**а илаҳа иллаллоҳ, амри дилимиз,  
**О**ллоҳ Расулиға саломлар бўлсин!  
**Л**атофат, тозалик – иймоннинг ярми,  
**Л**обарлик ва поклик – муслимлик шарти.  
**О**зода юрмоқни даъват қилган Зот,  
**Ҳ**идоят шоҳиға саломлар бўлсин!

**У**мид юлдузимиз - Сизнинг ўзингиз,  
**А**лбатта буюк хулқ узра эдингиз,  
**“**Лаънат” иборасин тилга олмаган,  
**А**ллоҳ Расулиға саломлар бўлсин!  
**Й**ўлимиз ёритган маёқ - чароғон,  
**Ҳ**идоят йўлиға бошлаган сарбон,  
**И**лоҳий нур ила йўғрилган султон,  
**В**а Аллоҳ Расулиға саломлар бўлсин!  
**А**ҳдингиз тинчликдир, амал – яхшилик,  
**С**алавот айтамиз, дилда эзгулик.  
**А**қл ҳам идрокни шарафлаган зот,  
**Л**атиф жанобимға саломлар бўлсин!  
**Л**екин, Шўро қилди динни қатағон,

**А**ллоҳга шукрлар, ўтди у замон.  
**М**устақил юртимга сафо келибсиз,  
**А**ллоҳ Расулига саломлар бўлсин!  
**Л**а илаҳа иллаллоҳ, Расули акрам,  
**Л**а илаҳа иллаллоҳ, зоти мукаррам,  
**О**ллоҳнинг Расули - Ўзингиз, зотан-  
**Ҳ**ақнинг элчисига саломлар бўлсин!  
**Н**е бахтки, Набийлар сардори Сизсиз,  
**И**нсонлар буюгин буюги Сизсиз,  
**Н**е-не улуғларни эргаштиргансиз,  
**Г**авҳари оламга саломлар бўлсин!  
**Р**асули акрамсиз, Валлоҳи аълам,  
**А**лҳамдулиллоҳ, муслиммиз биз ҳам,  
**С**оллаллоҳу алайҳи васаллам, ҳар дам,  
**У**мрим давомида саломлар бўлсин!  
**Л**адуний илмлар билимдонига,  
**И**ймон султонига саломлар бўлсин!

***Мавлуда Раҳмонова***

***Бухоро муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси***